



# O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 13-noyabr. Payshanba 132 (31.879) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

## Ўзбекистон Халқ демократик партияси бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган, энг аввало, жамият манфаатларига қаратилган бўлиши лозим, деб ҳисоблайди



Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча сайлов участкаларида сайловларни муносиб ўтказиш учун қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида жойлашган 160-сайлов участкасида ҳам бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.



— Сайлов участкамида сайловчилар учун ҳар томонлама қулай шaroит яратилган, — дейди 160-сайлов участкаси раиси Қамариддин Одилов. — Хусусан, она ва бола ҳамда тиббиёт, шунингдек, сайлов комиссияси хонаси зарур жиҳоз ва воситалар билан таъминланган. Қонунчиликка мувофиқ, сайлов участкамида сайловга камида 40 кун қолганида иш бошлади. Ҳозирда маҳалла фаоллари билан биргаликда сайловда қатнашиш, овоз бериш тартиби билан боғлиқ масалаларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, сайловчиларни рўйхатга олиш жараёни давом этмоқда.

Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

13 ноябрь кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилди.

12 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат кўмиталарининг раислари кўмиталарнинг мажлислари ўтказилганлиги тўғрисида ва ўн олтинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорлар лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлашнинг долзарблиги ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаш-

тиришга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини ҳам қайд этдилар. Булар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»-ги (янги тахрири), «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, яъни вакилик ҳокимияти органларига бўладиган сайловлар бутунлай янги шароитда ўтади. Аввалги сайловлардан кейин қонунчиликка киритилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар вакилик ҳокимиятининг ҳуқуқини янада кенгайтди, давлат органлари тизимида мавқеини янада мустаҳкамлади. Парламент, халқ депутатлари туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгашларига сайланадиган бу галги депутатлар давлат ишлари, шунингдек, ҳудудлардаги муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда кенг имкониятга эга.

## Вакиллик ҳокимияти ваколатли ҳокимиятдир

Одамларни кўпроқ қизиқтираётган масалалардан бири — вакиллик ҳокимияти тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти ҳамда қонуний асосларини шарҳлаб бериш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторинг институти бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди Мирвалд МИРАКУЛОВдан сўрадик.

— Вакилликни у ёки бу шахс номидан (муайян шахс, фуқаро ёки уларнинг бирлашган гуруҳи, сиёсий партия, ташкилот, халқ ёхуд давлат номидан) ҳаракат қилиш, қарорлар қабул қилиш, айни пайтда уларни бажариш имкониятини берадиган ваколат, деб таърифлаш мумкин, — деди у.

▶ Давоми 3-бетда.

## ЎзХДП: СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

### Демократик сайловлар

мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини халқнинг хоҳиш-иродаси тўлиқ намоён бўладиган эркин сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимизда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқлари Конституция ва қонунлар билан кафолатланган.

2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялардан ҳужжатлар қабул қилиш 2014 йил 9 ноябрда тўхтатилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш 2014 йил 16 ноябрда тугайди.

## САЙЛОВ — 2014

### Тошкент шаҳар сайлов комиссияси оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказди

Унда шаҳар сайлов комиссияси раиси Фурқат Маҳмуджўев сайлов кампанияси эълон қилинган кундан бошлаб амалга оширилган ишлар хусусида батафсил маълумот берди.

Таъкидландики, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича режа ишлаб чиқилган. Жойларда сайловга оид қонунларга амал қилиш ва округ, участка сайлов комиссияларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар сайлов комиссияси аъзолари бириктирилди.

Тошкент шаҳри бўйича сайлов участкалари ва уларнинг ҳудудий чегаралари белгиланди. Сайловолди тадбирлари ҳақида сайловчиларни

кенг хабардор этиш мақсадида сайлов округи ва сайлов участкаларининг ҳудудий чегаралари, шаҳар ва округ сайлов комиссиялари таркиби матбуотда ҳамда шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинди.

Барча сайлов округлари ва участкаларига телефон алоқаси ўрнатилди. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа шароитларни ҳозирлаш чоралари кўрилди.

Брифингда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурига мувофиқ сайлов очкилик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари асосида ўтиши учун зарур бўлган барча шароитлар яратилаётгани таъкидланди.

Ўз мухбиримиз

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Янги таклифлар ва устувор вазифалар



www.uzbekistonovozi.uz

## ОБУНА — 2015

Умидхон ҲОШИМОВ, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли.

— Мен бу йил сайловда биринчи марта иштирок этаман. Бунинг масъулиятини англаб турибман. Ҳаяжонланаётганимни ҳам яширмайман. Сайлов қонун-қоидаларидан хабардор бўлишимда «Ўзбекистон овози» менга яқин кўмақдош бўлмоқда. Бу газетада тенгдошларимнинг фикрлари билан ҳам танишиб бораёман.

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Обуна индекси — 220



ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қанотининг «Менинг биринчи сайловим» лойиҳаси доирасида навбатдаги тадбири Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўтказилди.

Газетамизнинг келгуси сонларидан бирида сайловларда илк бор иштирок этаётган ёшларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

ЎЗХДП: СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

# Демократик сайловлар мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорликда ўтказган давра суҳбатда шу ҳақда атрофлича фикр юритилди. «Демократик сайловлар мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили» мавзусига бағишланган мазкур тадбирда ЎЗХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят партия кенгашлари фаоллари, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари, йирик бошланғич ташкилотлар етакчилари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, жамиятимизнинг турли соҳаларида амалга оширилган ислохотлар миллий давлатчилигимизни янада мустаҳкамлаш, ҳаётимизни демократик қадриятлар билан бойитишга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувида иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда фаол иштирок этишдан манфаатдорлигини янада оширмоқда.

Дастлаб ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева партиянинг янги Сайловолди дастури ва унинг асосий йўналишлари ҳақида маълумот берди.

— Партиямиз манзилли ижтимоий кўллаб-қувватлашга аҳтиёжман аҳоли манфа-

атларини ҳимоя қилишни мақсад қилган. Кейинги йилларда ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш ва меҳнатга лаёқатли кишиларнинг бандлик даражасини ошириш, аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш партиямиз фаолиятининг асосий йўналишларидан бўлиб қолади.

Партиямизнинг янги Сайловолди дастурида бюджет маблағлари самарали ишлатилиши, аҳолига малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш устидан тизимли депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, таълим олиш ва касб-хунар ўрганишнинг барча учун тенг, адолатли ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланмоқда.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси Комила Фаромова сайловларнинг муваффақиятли ўтишида партия ташкилотлари ва фаолларнинг ўрни ҳақида сўз юритди.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш борасида чуқур ислохотлар амалга оширилди. Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар бу ислохотларнинг мундарижидир, албатта.

Хусусан, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга кўпайди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг «ваколатли вакили» деган янги институт киритилиб, уларга имзо варақаларининг тўғри тўлдирилишини текшириш, сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.



Самарқанд ШОТЛУЛАГАНОВ олган сурат.

Сайловолди ташвиқоти-нинг шакли ва усуллари такомиллаштириб бораётгани депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратилганини кўрсатади. Биз булардан тўлақонли фойдаланишимиз керак.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова сайловлар юқори савияда ўтишининг муҳим омиллари хусусида гапириб ўтди.

— Ҳар бир номзод, ваколатли вакил, кузатувчиларнинг сайлов жараёнидаги саъй-ҳаракатлари конституциявий тамойиллар ва қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий реклама, жамоатчилик билан алоқаларнинг замонавий технологияларидан самарали фойдаланиш, жонли мулоқотлар орқали сайловга оид қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида аҳолига кенг тушунарча бериш керак бўлади. Шунингдек, партия фаолияти, мақсад-вазифалари, электро-

рат манфаатига жавоб берадиган амалий ишлари тўғрисида кенг жамоатчиликка маълумот берсак, жойларда учраётган муайян камчиликларни ҳал этишда партия қандай ғояларни илгари сураётганини ёрқин мисоллар орқали тушунтирсак, аҳолининг партиямизга ишончини янада мустаҳкамлашга эришамиз.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши бўлими мудири Алишер Рашидов партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси самарали бўлгани, аммо олдинда жуда масъулиятли жараён турганини таъкидлади.

— Бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ҳамда бу орқали жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Бу борада, атрофига 400 мингга яқин аъзони бирлаштирган ЎЗХДП ўз дастурий ғояларини амалга оширишда катта тажриба ва кучга эга. Ўтган йиллардаги ишлар тақлиди ҳам бунинг тасдиқламоқда.

Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари янги иш ўринлари яратиш, касб-хунар коллежалари битирувчиларини мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ҳамда ролини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга доир кўпжа ҳаётий ташаббусларни илгари сурамоқда. Яқинда бўладиган сайловда бу ишларимизга ҳолис баҳо берилади, албатта.

Тадбирда, шунингдек, сиёсий партиялар ҳамда улар ўртасидаги рақобатни ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароит яратилгани, берилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, сайловларда муваффақиятли иштирок этиш лозимлиги таъкидланди. Бу борада зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИГИЗ БОРМИ?

## Миллий сайлов қонунчилиги демократик андозаларга тўла мос келади

Сайлов жараёни уюшқоқлик билан очиқ ва ошқорча, адолатли ўтиши кўп жиҳатдан аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билимига боғлиқ.

Тахририятимизга келадиган хатларда сайлов қонунчилигига оид турли саволлар қўйилаётгани фуқароларимизнинг сайловларга қизиқиши орғиб бораётгани, сиёсий маданияти юксалаётганини кўрсатади.

«Мен бу йил 18 ёшга тўлдим. Конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланиб, мамлакатимизда бўлиб ўтаётган сайловларда илк маротаба ўз овозим билан иштирок этман. Менга овоз бериш тартиби ҳақида тушунча берсангиз?»

Шаҳноза Жўраева, Андижон вилояти, Избоскан тумани, «Намуна» қишлоғи.



Саволга Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқова жавоб беради:

— Албатта, жуда ўринли савол. Чунки сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшлар овоз бериш тартиби, қоидалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши зарур.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Қонуннинг 41-моддаси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» Қонуннинг 38-моддасида овоз бериш тартиби белгилаб берилган. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабиноси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетени тўлдиридан бошқа шахсларнинг у ерда

ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакиллари билан бирон кишини кабинага таклиф қилишга ҳақли.

Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадрат белги қўяди. Шундан сўнг овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра, янғиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган бюллетенлар ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

«Сайлов кунини чет элда бўлган ёки ўз яшаш жойида бўлмаган фуқаролар қандай тартибда овоз бериши мумкин?»

Юлдуз ҚОДИРОВА, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани.

Саволга Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси Улуғбек Ҳожибеков жавоб беради:

— Сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлмаган сайловчи мuddатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Мuddатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Мuddатидан олдин овоз бериш ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчилар, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Мuddатидан олдин овоз бериш амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунини да бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссияси билан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини қўллангани ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ қон-

вертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Сайлов кунини овозларни санаб чиқиш вақтида мазкур конверт очилади ҳамда ҳисобга олинади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра, овоз бериш буюришга қўйиб қўлади, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси участка сайлов комиссияси овоз бериш ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади. Бу эса мамлакатимизда инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

«Ўзбекистон овози» мухбири Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди

ЎЗХДП: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

# Ишончли амалий ишлар билан мустаҳкамлашимиз керак

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партияси VIII қурултайида келтирилган таҳлиллар, билдирилган фикр-мулоҳазалар партиянинг ҳар бир ташкилотидан ўз фаолияти бўйича ҳулюса чиқаришни, келгуси устувор вазифалар бажарилишида фаол иштирок этишни тақозо этмоқда. Айниқса, сайловга тайёргарлик жараёни кетаётган шу кунларда бунинг аҳамияти каттадир.

Қурултай кун тартибида муҳокама қилинган айрим масалалар юзасидан Фаргона вилоят партия кенгаши раиси Маҳмудов Маҳмадовнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Халқ фаровонлиги орттиришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири жамиятда ижтимоий ва моддий ёрдамга муҳтож қатламнинг босқичма-босқич қисқариб боришидир, — дейди у. — Қурултайда партиямизнинг беш йиллик фаолияти таҳлили бу борада катта ютуқларга эришганимизни кўрсатади. Партиямизнинг янги Сайловолди дастури шу йўналишдаги ҳаракатларимиз кўламини янада кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Иқтисодиётда бозорнинг кеңиш ҳукмронлигига йўл қўйиб бўлмайди, бозор иқтисодиёти жамиятдаги ижтимоий ислохотларга йўналтирилган бўлиши зарур.

Ўтган фаолиятимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган кишилар, пенсионерлар, иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келадиган фуқаролар манфаатлари ҳимояси асосий эътиборда бўлди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ вазифаларини ҳал қилишга қаратилган қатор масалалар ўрганилди ва доимий комиссиялар ҳамда сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди. Хусусан, доимий комиссиялар-

да 149 та, сессияларда 64 та масала кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Бунинг натижасида аҳолини, айниқса, касб-хунар коллежалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, давлат ва жамиятнинг кўллаб-қувватлашига муҳтож кишиларнинг манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан боғлиқ кўпгина масалалар жойларнинг ўзида ҳал этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят ташкилоти томонидан ўтган йиллар давомида касб-хунар коллежалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган 5 та чора-тадбир режаси ва 2 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Уларни амалга ошириш натижасида қиймати 22 млрд. 584 млн. сўм бўлган 197 та лойиҳа амалга оширилиб, 2600 дан ортиқ барқарор янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

— Партиямизга одамлар ишончини мустаҳкамлашда Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятининг таъсири ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоятимизнинг энг чекка жойларида истиқомат қилаётган фуқаролар орасига ҳам айнан Жамоатчилик қабулхоналари орқали кириб бормоқда. Бу бизнинг энг катта ютуғимиз, деб ўйлайман. Чунки қабулхоналар электро-рат манфаатларини ҳимоя қилишнинг тажрибадан ўтган самарали, таъбир жоиз бўлса, замонавий воситасига ай-

ланди. У орқали электоратни ўйлантираётган масалалар ўрганилади, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича иш олиб борилади, одамларнинг партияга ишончи ортади.

Ўтган давр мобайнида вилоят бўйича Жамоатчилик қабулхоналарига 4 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 2,5 мингдан кўпроги ёки қарийб 65 фоизи партия ташкилотларимиз, депутатларимиз фаолиги билан ҳал этилган. Қолганларига юридик маслаҳатлар берилди. Мурожаатлар юзасидан депутатлар томонидан 400 га яқин сўров юборилган.

Ҳеч ким қабулхоналарга шунчаки келмайди, ҳар бир мурожаат ортида кишини ўйлантирадиган бирор бир муаммо, ижтимоий масала ётади. Баъзида электорат вакиллари ўз ҳуқуқлари, манфаатларини амалга ошириш жараёнида айрим мансабдорларнинг совуққонлигига, ортиқча расмиятчиликка дуч келади. Шу сабабдан Жамоатчилик қабулхоналарига тушган ҳар бир мурожаатга жиддий эътибор берамиз, у исзиз кетмаслиги учун ҳаракат қиламиз. Биргина мурожаатга бепарво муносабатда бўлиш ҳам одамларда ва умуман, жамоатчиликда ишонсизлик кайфиятини уйғотади. Шу боис ҳам қурултайда Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Партиянинг дастурий ғояларини тарғиб қилишда, бошқа партиялар билан баҳсга киришишда нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

— Бизнинг таҳлилларимизга кўра, сайловдан сайловга сиёсий партиялар ўртасида рақобат янги босқичга кўтарилди бормоқда. 2009 йилги сайловлар чоғида, айниқса, дастурлар кураши яққол сезилди. Бу жараёнда биз ўз камчиликларимизни ҳам билиб олдик. Ав-

Одамлар партиямиз нима учун курашаётгани, шу вақтгача Сайловолди дастури ижроси юзасидан қандай ютуқларга эришганимиз ҳақида ҳолис ахборотга эга бўлиши керак.

— Сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлмаган сайловчи мuddатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Мuddатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Мuddатидан олдин овоз бериш ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчилар, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Мuddатидан олдин овоз бериш амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунини да бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссияси билан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини қўллангани ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ қон-

«Ўзбекистон овози» мухбири Муҳаммадjon ОБИДОВ сўбатлашди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Вакиллик ҳокимияти ваколатли ҳокимиятдир

— Дунё конституцияшунослиги тарихи ва ҳозирги амалиётида халқ вакиллиги, корпоратив, конфессиянал, минтақавий, ҳудудий каби турли вакилликлар таснифланади. Уларнинг ичида халқ ваколат берган вакиллик алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Яъни, бунда фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқариш, ўзлари номидан иш кўриш учун вакилларига ваколат беради.

Шу маънода, вакиллик ҳокимияти деганда, жамият ва давлат ишларини бошқаришда халқ номидан муайян муддатга иш кўриш учун сайланган вакиллarning ваколатлар йиғиндиси тушунилади. Мазкур тушунча ҳокимиятнинг табиатини, уни амалга ошириш усулини тавсифлайди. Унинг муҳим аҳамияти шундаки, биринчидан, ҳокимият халққа тегишли эканлигини аниқлади, яъни унинг хоҳиш-иродаси давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаб беради. Иккинчидан, халқ ўз вакиллари эркин ва адолатли сайловларда мустақил, муайян муддатга сайлаб, хоҳиш-иродаси, истакларини даврийлик асосда билдириб туриш имкониятини беради. Учинчидан, мазкур тушунча ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципларга ҳизмат қилади. Тўртинчидан, мазмун-моҳиятига кўра, давлат ҳокимияти «халқ номидан», «халқ учун», «халқ манфаатлари йўлида» амалга оширилишини таъминлайди.

Вакиллик ҳокимиятига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғiston Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари қиради. Вакиллик функцияси фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этишини таъминлаш шаклидан бири сифатида парламент ва маҳаллий Кенгашларнинг умумхалқ манфаатларини ифодалашини аниқлади. Шу боис уларнинг аъзоларига нисбатан «халқ вакили» атамаси қўлланилади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, вакиллик демократиясида парламент аҳолининг кўзи, қулоғи ва овози сифатида фаолият кўрсатиши лозим. Маълумки, парламент ва маҳаллий вакиллик органларига вакиллар, яъни депутатлар маълум муддатга (масалан,

бизнинг мамлакатимизда 5 йилга) сайланади. Шу маънода, таркибнинг алмашиб туриш имкониятининг таъминлангани ҳам вакилликнинг муҳим белгиси саналади. Фуқаролар вакилат берган вакил муайян муддатда ишончи оқлай олмас, сайлаш орқали вакиллик ваколати бошқага берилмади. Яъни, ҳокимият қимда бўлишини фуқароларнинг умумий хоҳиш-иродаси ҳал қилади.

— Вакиллик ҳокимияти асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қандай кафолатланганини қисқача шарҳлаб берсангиз.

— Бош Қомусимизнинг 7-моддасида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги қайд этилган. Бу меъёр мамлакатимизда вакиллик ҳокимияти юзга келиши ва ривожланишининг энг муҳим асосларидан ҳисобланади. Конституциямизнинг 32-моддасида эса фуқаролар жа-мият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар, деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, 117-моддада фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари, ҳар бир сайловчи бир овозга эгаллиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатлангани, Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тулган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга экани кабилар конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституциямизнинг XVIII боби олий давлат вакиллик органи бўлиши қонун чиқарувчи ҳокимиятга бағишланади, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан иборат эканлиги, уларнинг ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқур-

лаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида 2011, 2014 йилларда Конституциямизга киритилган ўзгариш ва кўшимчалар ижтимоий-сиёсий вакиллик ҳокимияти ролинини янада оширишда ўта муҳим аҳамият касб этди. Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиб ўрнатилди. Унга кўра, Бош вазир номзоди Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдорда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Мазкур конституциявий тартибнинг белги-ланиши, Бош вазирга нисба-тан ишончсизлик вотуми ин-ститутининг жорий этилиши халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги ҳамда унинг манфаатларини қўллаб амалга оширилишига оид конституциявий принци-пни яна бир бор тасдиқлади.


Жорий йилда Конституция-мизга киритилган ўзгариш ва кўшимчалар Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси па-латаларининг давлат ҳокимия-ти органлари тизимидаги ро-лини, ички ва ташқи сиёса-тининг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгай-тирди. Вазирлар Маъқамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун чи-қарувчи олий органнинг, ма-ҳаллий вакиллик органлари-нинг назорат функцияларини кучайтирди. Асосий қону-нимизнинг 78-моддасида па-латаларнинг парламент назо-ратини амалга ошириш вако-латини таъминлашнинг қўши-ма реал механизмлари белги-ланди. Гап Бош вазир лаво-зимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-да унинг номзоди кўриб чи-қилаётган ва тасдиқланаёт-ганда Вазирлар Маъқамаси-нинг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим эти-ши ва Вазирлар Маъқамаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисо-дий ҳаётининг энг муҳим ма-салалари юзасидан маъруза-лар тақдим этиши ҳақида бор-моқда. Бу орқали Ҳуқуқат фу-қаролар сайлаган вакиллар сиймосида халқ билан ўзи ре-жалаштираётган ишларини бамаслаҳат ҳал қилади.

Бундан ташқари, эндилик-да Вазирлар Маъқамаси Олий Мажлисга ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти-нинг энг муҳим масалалари юзасидан маъруза тақдим этади. Шу тартибда фуқаро-лар парламентдаги вакилла-ри орқали Бош вазирни тас-диқлаш, Ҳуқуқатнинг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган фаолиятини мунтазам кузатиб, баҳо бе-риш имкониятига эга бўлади. Булар мамлакатимизда вакил-лик ҳокимияти ҳуқуқ ва вако-латлари илғор демократик парламентаризм тажрибасига мувофиқ равишда кенгайиб бораётганини аниқлади.

— Демак, ривожланган демократик давлатлар тажрибасига таянган ҳолда, мамлакатимизда вакиллик ҳокимиятининг юқори органи — парламентнинг ўрни ва таъсири мустаҳкамланди. Лекин шу ўринда вакиллик ҳокимиятининг муҳим бўлини бугун халқ депутат-лари маҳаллий Кенгашлар-нинг ҳуқуқий мақоми, ҳудудларни ижтимоий-иқти-содий ривожлантириш би-лан боғлиқ долзарб маса-лаларни ҳал қилишда улар-нинг ҳуқуқ ва ваколатлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашларининг ваколат-лари қатор қонун ҳужжатла-рида кафолатланган. Хусусан, халқ депутатлари Кенгаши ҳокимнинг тақдими биноан ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, маҳаллий бюд-жетларни ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ҳамда тасдиқ-лади, ҳоким ва унинг ўринбо-сарлари фаолиятига доир ҳисоботларни, халқ депутат-ларининг сўровларини қараб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш, ҳоким-нинг ва куйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш



каби ваколатларга эга. Бу «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида белгиланган.

2007 йилда қабул қилин-ган «Давлат бошқарувини ян-гилаш ва янада демократлаш-тириш ҳамда мамлакатни мо-дернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролинини кучай-тириш тўғрисида»ги Консти-туциявий қонуннинг 7-модда-си халқ депутатлари вилоят-лари, Тошкент шаҳар Кенгаш-ларидаги партия гуруҳлари вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимнинг қонунчилик фао-лияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ҳуқуқини беради. Бун-дай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўлла-буқуватланган тақдирда, Ўзбе-кистон Республикаси Президи-денти бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги му-шоқамасини тайинлайди ва мушоқама натижаларига муво-фиқ қарор қабул қилади.

2014 йил январь ойида «Сиёсий партиялар тўғриси-да»ги қонунга киритилган кў-шимчаларга кўра, партия гу-руҳларининг мақоми ва ҳуқуқлари янада аниқлашти-рилди. Ушбу Қонунга муво-фиқ, партия гуруҳларининг давлат ҳокимиятининг тегишли

вакиллик органи сессияси қун тартибини тузишда иштирок этиш, тегишли равишда дав-лат органларининг турли да-ражадаги идоралари раҳбар-ларига сўров билан мурожа-ат қилиш, тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳ-барининг ўз фаолияти маса-лалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини сессияларда эшитиш ҳақида таклифлар ки-ритиш каби ҳуқуқлари янада мустаҳкамланди. Қонунга кўра, партия гуруҳларининг таклифи албатта қўриб чи-қилиши зарур.

Маҳаллий вакиллик ҳоким-иятининг ваколатлари ҳақида гап кетганда, жорий йил Кон-ституциямизнинг 103-моддаси-га киритилган қўшимча алоҳи-да эътиборга моликдир. Унга мувофиқ, вилоят, туман ва ша-ҳар ҳокими тегишли халқ де-путатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқти-содий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши, улар бўйича халқ депу-татлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қили-ниши белгиланди. Бу маҳал-лий ижро ҳокимияти органла-рининг маҳаллий вакиллик органлари олдидаги ҳисобдор-лиги ва масъулиятини оши-ришнинг кафолати бўлди.

Юқорида келтирилган мисоллар ва фикр-мулоҳаза-лардан кўриниб турганидек, Ўзбекистонда вакиллик ҳоким-ияти самарали амалга ошиши учун етарли ҳуқуқий ша-роит, айтиш мумкинки, пухта механизм жорий қилинган. Эндиликда ҳамма гап халқ вакиллари — депутатлар са-лоҳияти ва масъулиятига боғлиқ. Шунинг учун ҳам сай-ловлар давлатимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим сиёсий, тарихий воқеа ҳисобланади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тўлқин ТўРАХОНОВ суҳбатлашди.



Серфингда учиш

мактабда ўқитилади

Гавайи ороллари ҳақида гап кетгудек бўлса, биринчи галда, албатта, серфингга учиш эсла-нади.

Гавайини серфингсиз тасаввур қилиш қийин. Негаки, туя ўрқачла-ридек баланд-баланд денгиз тўлки-лари айнан шу ороллар қирғоқлари-ни юйиб туради. Бу эса спортнинг серфинг тури ривожланишига сабаб бўлган. Шу боис ҳам маъмурият сер-финг спортини мактаб дарслигига киритган.



«Associated Press» АА маълум қилишича, аслида бу спорт турини мактаб дарсликларига киритиш ҳақида 2004 йилда қарор қабул қилинган. Аммо уни молиялаштириш масаласида юзга келган муаммо-лар ва ўқувчилар хавфсизлигини ўйлаган ҳолда унинг ижроси бир неча йил ортага сурилган.

Коррида — шафқатсиз жанг

Дарҳақиқат, коррида — ўта шафқатсиз жанг. Мўлжални тўғри олган буқанин тореодорни улоқтириб ташлаши ёки тореодор-нинг буқага санчиқлар санчиб, уни ҳолдан тойдирганини томо-ша қилиш кишига руҳий таъсир этмай қолмайди.



Бироқ шундай бўлса-да, Испа-ниянинг Барселона шаҳрида бундай жанг кўп асрдан бери ўтказиб кели-наётгани боис, ўзига хос аънамага айланиб қолган эди. Кўп асрлик та-рихга эга коррида маросимининг та-қиқланганига ҳам икки йилдан ошиб қолди, дея хаба беради «France Presse» АА.

Гап шундаки, мамлакатнинг ши-моли-шарқида буқалар жанги жони-ворларни химоя қилувчи гуруҳлар вакиллари талабига биноан тақиқ-ланган. Айнан 200 минг киши имзо қўйган талабдан сўнг мамлакат пар-ламенти буқалар жангини тақиқлаш-га мажбур бўлган.

Дарвоқе, шуни таъкидлаш жоиз-ки, кейинги йилларда одамларнинг корридага қизиқиши негадир пасая-йиб кетган. Бир вақтлар мазкур ма-росимга кириш чипталари ўз на-ридан беш-олти баравар қимматига сотиларди.

«Сув дунёси» сайёраси

АҚШ, Швейцария ва Чилининг бир гуруҳ тадқиқотчилари кўп йиллик астрономик кузатувлар натижасида гаройиб янги сайё-рани кашф этишди ва унга «ГЖ 1214б» деб ном беришди.



У она сайёрамиздан 124 ёруғлик йили узоқликда жойлашган. Ҳажми сайёрамиздан икки баравар катта бўлишига қарамай, оғирлиги етти маротаба кам. Олимлар сайёра таркибини ўрганган, шундай хулосага келдилар-ки, унинг асосий қисми сувдан ибор-ат экан. Шу боис олимлар бу сайё-рани «Сув дунёси» деб ҳам аташ-моқда.

ОБУНА — 2015

Ёшларни юксак маънавиятли, баркамол ав-лод этиб тарбиялаш ишларини оммавий ахбор-от воситалари, айниқса, газеталарсиз тасав-вур этиб бўлмайди. Таълим соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларга фаиларни чуқур ўргатишнинг ўзи билан чекла-ниб қолмас, хато бўлади. Биз ёшларнинг маъ-навий, ахлоқий тарбиясига ҳам масъулимиз.

«Ўзбекистон овози» — доимий ҳамроҳимиз, яқин кўмакчимиз

Шунинг учун ҳам ушбу нашрга Денов туманида 100 нафар устоз ва мураббий йиллик обуна бўлди

Туманимизда 98 та умумтаълим, 28 та мактабгача таълим, ўнга яқин спорт ва бошқа йўналишдаги муас-сасалар фаолият кўрсатмоқда. Ҳар томонлама қулай, шинам ва жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган зиё масканларида 56 минг 400 нафардан ортиқ ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, жойларда ах-борот-ресурс марказлари ташкил қилганмиз. Махсус ўқув-лаборатория, маънавият ва маърифат хоналари фаолияти йўлга қўйилган. Кутубхона, мактаб, мактаб-гача таълим ва бошқа даргоҳларда газеталар тах-ламлари бор. Ноънавий дарслар ҳамда давра суҳ-батлари ўтказишда матбуот доимий ҳамроҳ ва яқин кўмакчимизга айланган.

«Ўзбекистон овози» газетасининг ҳар бир сониди ўқитувчилар фаолияти, таълим-тарбиядаги ютуқлар ёритилаётгани айти мурда. Ёшларимизнинг спорт, маданият, маърифат ва бошқа соҳаларда эришяётган муваффақиятлари билан ҳам газета орқали мунтазам танишиб борамиз. Шу боис қадрдон газетамизга кел-гуси йил учун 100 нафар ўқитувчи ва мураббий йил-лик обуна бўлди.

Бир тақлифимиз бор: «Ўзбекистон овози»да олис ҳудудлар, айниқса, тоғ қишлоқлари мактабларида-ги бугунги қулай шароитлар, фидойи ва фахрий устозлар ҳақида кўпроқ мақолалар берилса, яхши бўларди.

Ҳайдар СУВОНОВ, Денов туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудри, ЎзХДП аъзоси.

16 НОЯБРЬ — ХАЛҚАРО БАҒРИКЕНГЛИК КУНИ

Илмий-амалий анжуман

Тошкент ислом университетиди «Конфессияларро мулоқот ва диний бағрикенг-лик — жамият барқарорлиги гарови» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Вазирлар Маъқамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом универси-тети ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вако-латхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда Германия, элчихона ва диний конфессия- Буюк Британия, Италия, Чехия, лар раҳбарлари, олимлар ва Хитой, Россия, Озарбайжон, мутахассислар қатнашди. Арманистон, Қозоғистон каби Анжуманда сўзга чиққан давлатларнинг экспертлари, Вазирлар Маъқамаси ҳузури-

Реклама

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

қуйидаги ишлаб чиқариш мажмуаларини сотиб олишни таклиф қилади:

«QUVASOY NASLLI PARRANDA» МЧЖ Фаолият йўналиши — товуқ гўшти ва тухум ишлаб чиқариш.

Манзили: Фарғона вилояти, Кувасой шаҳри.

«VALLEY MOUNTAIN'S FRESH» МЧЖ Фаолият йўналиши — шарбат, концентратлар ва тоmat пастаси ишлаб чиқариш.

Манзили: Фарғона вилояти, Учкўприк тумани.

«КАТҚАЛЪАТЕКС» МЧЖ Фаолият йўналиши — пайпоқ ишлаб чиқариш ва мато тўқиш.

Манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани.



Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзиллардан олиш мумкин:

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ бош офиси

Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 17-уй.

Тел.: (0-371) 150-89-30.

Факс: (0-371) 150-89-31.

«ИПОТЕКА INVEST MANAGEMENT» МЧЖ

бошқарув компанияси

Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 9-уй.


Тел.: (+99895) 199-77-92.

Хизматлар лицензияланган.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

# Соғлом эътиқод — соғлом авлод

камолотида муҳим ўрин тутати



Бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршиликлар, қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро низо ва зиддиятлар, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг фожиали оқибатларини чуқур тушуниб, англаб олишда ҳурматли улаомларимиз, зиёлилар фаоллик кўрсатсалар, айни муддао бўлур эди. Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан исломшунос олим Айдарбек Тулеповнинг «Ислом ва ақидапараст оқимлар» номли асари чоп этилди. Китобнинг ёзилиши сабаблари ҳақида тўхталар экан, муаллиф жумладан шундай дейди: «Диний билими ўта саёз, турли фитна-фасод кўзгайдиган фикрларни, гоъларни содда халқ онгига сингдиришга уринаётган чаласавод кимсаларга эргашиб кетмасликлар учун ёшларни тўғри йўлга солиш ва хушёрликка қоралаш мақсадида ушбу асарни ёзишга қарор қилдим».

дунёда фаолият олиб бораётган «Мусулмон биродарлар», «Хизбут-таҳрир ал-исломий», «Хамас», «Хизбуллоҳ» каби оқимлар анчагина фаоллашгани кузатилмоқда. Юқорида номлари зикр этилган оқимлардан ташқари яна бир қатор диний экстремистик ҳаракатлар ҳам борки, улар ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз ҳамда билишимиз зарур. Уларнинг аксарияти ўзларини «Ироқ ва Шом ислом давлати», «Аллоҳ жангчилари» каби баландаларов исломий номлар билан аташга ҳаракат қилади. Турли қарашларга эга бўлган бундай ҳаракатларнинг бир-бири билан ўзаро тўқнашиб туриш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Шу ўринда яна бир гап. Уларнинг аксарияти ўзларига «ҳақиқий ислом ҳокимияти», «ислом давлати», «халифалик», «халифалик ёки ўлим» каби шиорларни ниқоб қилиб олишган. Бир гуруҳ ақидапараст ёшлардан иборат бу ҳаракатлар

ҳақида тўлиқ маълумотлар олиш ва фарзандларимизга уларнинг бешараларини кўрсатиб бериш, мақсадларини тушунтириш ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Хозирда бундай ташкилотлар, гуруҳлар, жамоалар яқин шарқ минтақасида «сиёсий ислом» шаклида номён бўлмоқда. Уларнинг тарихи, фаолияти ҳақида «Ислом ва ақидапараст оқимлар» китобидан бир қатор маълумотлар олиш мумкин. Бу китобда келтирилган оқимлар ва ҳаракатлар номи уч юздан зиёд бўлиб, уларнинг аксарияти бир неча асрлар олдин пайдо бўлган. Улар ўз вақтида жаҳонга машҳур улаомларимиз — Абу Мансур Мотуридий, Махлук Насафийлар томонидан кескин танқид қилинган эди. Юқорида номи зикр қилинган асарнинг дастлабки бобларида ислом динининг энг муҳими, айни вақтда нозик масалаларидан бири бўлмиш ақидавий масалаларни ўрганидиган калом мактабларининг юзага келиши ва унинг тараққиёт босқичлари, шунингдек, Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган мутақаллимлар ҳаёти ва асарлари, жумладан, «Аҳли сунна вал жамоа», «Мотуридий», «Ашъария» калом мактаблари ҳақида сўз боради. Мовароуннаҳрда калом илмининг ривожланишида, шубҳасиз буюк мутақаллим Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ўрни ниҳоятда катта бўлган. У яшаган давр IX асрнинг охири — X асрнинг биринчи ярмида ислом динида пайдо бўла бошлаган турли гуруҳларнинг сони кўпайиб кетган эди. Бу ҳол имон-эътиқод масалаларида кўллаб ихтилофларни келтириб чиқарди. Шундай гуруҳлардан бири мутазиллийлар бўлиб, улар ақидавий масалаларни шарҳлашда нақлий далиллар ҳисобланган Куръон ва

ҳадисдан кўра ақлий далилларни устун кўра эди. Натижада салаф ҳамда аҳли ҳадис улаомлари орасида калом илмига нисбатан танқидий фикрлар пайдо бўла бошлади. Мана шундай мураккаб шароитда улуғ мутақаллим Абу Мансур ал-Мотуридий вужудга келган муаммоли вазиятни илмий асосда бартараф этишга ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Улуғ мутафаккир, ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа таълимотига суянган ҳолда ўзига хос калом мактабини яратди. «Ислом ва ақидапараст оқимлар» асарининг илк бобларида Ислом динидаги фикрий мазҳаблардан бўлмиш Ҳанафий, Моликий, Шофий ва Ҳанбалийларнинг ислом динидаги ўрни ва уларнинг фаолияти ёритиб берилган. Китобнинг «Хорижийлар тоифаси» бобида муаллиф 42, «Мўътазила тоифаси» бобида 18, «Рофизия» бобида 93, «Қадария» бобида 38, «Жабария» бобида 13, «Жаҳмия» бобида 12, «Муржия» бобида 19, «Худодик даъво қилган шахслар» бобида 26 ва «Замонавий оқимлар» бобида эса 50 та ақидапараст оқимлар ва уларнинг фаолияти борасида тўлиқ маълумот беришга ҳаракат қилган. Шу билан бир қаторда улар ўртасида бўлиб ўтган тарихий баҳс ва ўзаро зиддиятлар ҳам асарда ўз аксини топган. Китобда ҳозирги кунда Ироқ ва Сурияда салафий-жиҳодий йўналишида террористик ҳаракатлар олиб бораётган «Ироқ ва Шом Ислом давлати» — (қисқача ИШИД) ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Бугунги кунда дунё ислом улаомлари томонидан кескин қораланаётган мазкур ҳаракатлар ҳақида фикр юритилгани ҳам китобнинг долзарб масалалар ечимига бағишланганини аниқлатади. «Ироқ ва Шом Ислом давлати» гуруҳи 2006 йил 15 октябрда бир гуруҳ қуролли гуруҳ-

ларнинг бирлашиши натижасида юзага келган. Гуруҳга Абу Умар исми шахс етакчи этиб сайланган. 2010 йилда Абу Умар ўлдирилгандан сўнг гуруҳга Абу Бакр Бағдодий етакчи бўлди. Унинг даврида кўпуровчилик ҳаракатлари доираси кенгайди. Суриядаги воқеалар, инқилобий гуруҳлар ва Озод Кўшиннинг ҳукумат армияси билан урушларидан сўнг 2011 йил охирида Шом аҳлига Ёрдамчи Фронт — «Жабхат ан-нусра» ташкил қилинди. Ушбу гуруҳ тезда кучайиб, Сурияда кураш олиб бораётган энг асосий кучлардан бирига айланади. 2013 йил 9 апрелда Абу Бакр Бағдодий «Шумух ал-ислам» тармоғи орқали «Жабхат ан-нусра» гуруҳининг «Ироқ ва Шом Ислом давлати»га қўшиб олинганини эълон қилади. Абу Бакр Бағдодий қўл остидаги минтақаларни бир гуруҳ ёрдамчилари орқали бошқаради. Улар тўлақонли бир ҳукумат тарзида ишлаб, икки ҳарбий ҳаракатлар ва аҳоли билан кундалик ишларни олиб бориш йўналишларида иш олиб боради. Манбаларда айтилишича, Абу Бакр Бағдодийнинг икки нафар асосий ёрдамчиси бор.

**Китобда келтирилган оқимлар ва ҳаракатлар номи уч юздан зиёд бўлиб, уларнинг аксарияти бир неча асрлар олдин пайдо бўлган. Улар ўз вақтида жаҳонга машҳур улаомларимиз — Абу Мансур Мотуридий, Махлук Насафийлар томонидан кескин танқид қилинган эди.**

Биринчиси, Абу Али Анборий бўлиб, у Суриядаги ҳарбий ҳаракатларни бошқаради. Абу Али Ироқ армиясининг собик генералидир. Иккинчиси, Абу Муслим Туркманий бўлиб, у ҳам Ироқ армиясида етакчи разведка хизматчиси бўлган. Мутахассисларнинг қайд этишича, ҳозирда мазкур ташкилот кўллаб ёшларни интернет орқали ўз тўрига тортмоқда. Шунингдек, ижтимоий тармоқдаги ғаразли гуруҳлар, юқорида номи зикр этилган тўдалар ўзларининг қабиҳиятини амалга ошириш учун ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшларни тўғри йўлдан адаштиришга ҳаракат қилмоқда. Бу каби кимсалар муқаддас динимиз номи билан иш олиб бораётган бўлса-да, аслида улар дин душманларидир. Бу ҳақида Куръони каримнинг «Радъ» сурасининг 25-оятда шундай дейилади: «Аллоҳ билан аҳд боғлаганларидан кейин уни бузадиган, Аллоҳ боғлаганига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзидан бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳдан) лаянат бўлур ва улар учун нохуш диёр (жаҳаннам) бордир».

Ёшларнинг ҳаёти ва тарбиясига катта хавф солаётган бундай ғаламисларнинг қилмишларини барча қоралайди. Динимиз ҳам бу каби разил ишдан қайтаради. Президентимиз таъкидлаганидек, тобора кучайиб бораётган бундай ҳатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Уларга ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосланган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб беришимиз керак. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур китоб ёшларнинг турли ғаразли хуружлардан ҳимояланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шовосил ЗИЁДОВ, Имом Бухорий халқаро маркази директори, тарих фанлари номзоди.

СПОРТ

## Оғир атлетикачиларимиз

**Жаҳон чемпионида**  
Шу кунларда Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида оғир атлетика бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда. Унда дунёнинг саксонга яқин давлатидан етти юз нафарга яқин спортчи голибик учун кураш олиб боряпти. Нуфузли мусобақада Адхам Эргашев (56 кг), Достон Ёқубов (69 кг), Муҳаммад Бегалиев (85 кг), Улуғбек Алимов (85 кг), Сардор Дўстмуродов (105 кг), Руслан Нурудинов (105 кг) ва Иван Евремов (+105 кг), Махлиё Тоғаева (48 кг), Лола Кодирова (48 кг), Марина Сисоева (53 кг), Фарангиз Шомуродова (58 кг) ҳамда Манзура Мамасолиева (69 кг) каби оғир атлетикачилар юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.



— Жаҳон чемпионатида барча терма жамоалар энг сара таркиби билан иштирок этапти, — дейди **Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси етакчи мутахассиси Гайрат Хонназаров**. — Хабарингиз бор, 2016 йили Рио-де-Жанейрода XXII ёзги Олимпия ўйинлари ўтказилади. Айни чоғда Алматида давом этаётган мусобақалар ва 2015 йили Хьюстон (АҚШ) шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қўлга киритилган рейтинг оқолари навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларига бериладиган йўланмалар тақдирини ҳал этади. Икки жаҳон чемпионати ақунарига кўра, умумжамоа ҳисобида 1-6 ўринни эгаллаган терма жамоаларга 6 та, 7-12 ўринларни банд этганларга 5 та, 19-24 ўринларни эгаллаган давлат вакиллари эса 3 та йўланма берилади. Йўланмалар эркаклар ва аёллар терма жамоалари учун алоҳида-алоҳида ўйналади. Шунингдек, 2016 йили Тошкентда ўтказиладиган Осиё чемпионатида ҳам Рио-де-Жанейро олимпиадаси лицензиялари тақдирини ҳал этади. Унда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган (эркаклар — аёллар) терма жамоаларга биттадан йўланмалар тақдим этилади. Мусобақа давом этмоқда.

Эркин ХОЛБЕИВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## IV Осиё соҳил ўйинларида

мамлакатимиз спортчилари олтига спорт тури бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилади

Эртага Таиланднинг Пхукет шаҳрида Осиё соҳил ўйинлари бошланади. Тўртинчи маротаба ўтказиладиган мазкур нуфузли мусобақада қитъамизнинг қирқдан зиёд давлати вакиллари спортнинг 26 тури бўйича баҳс юритади. Унда ўттиз икки нафар ҳамюртимиз кураш, самбо, соҳил футбол, муайтай, триатлон ва замонавий бешқураш каби спорт турлари бўйича майдонга тушади. — Ҳар икки йилда ўтказиладиган Осиё соҳил ўйинларига илк маротаба 2008 йилда Индонезиянинг Бали шаҳри мезбонлик қилган эди, — дейди **Ўзбекистон спорт делегацияси раҳбари Баҳодир Хусанжоев**. — Мусобақанинг йилдан-йил нуфузи ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Соҳил ўйинларига йўл олаётган спортчиларимизнинг деярли барчаси голибликка муносиб. Мутахассисларимиз мусобақада, айниқса, кураш, самбо, триатлон, муайтай бўйича ҳамюртларимиз имкониятларини юқори баҳолашмоқда. — Беллашувларга пухта ҳозирлик қўришимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди **курашчи Уктам Эргашев** (66 кг). — Соҳил ўйинларида биз учта вазн тоифасида майдонга чиқамиз. Жамоадорларим Давлат Абраев (73 кг), Санжар Тўхташев (81 кг) ларнинг ҳам кайфияти аъло даражада.

Самандар **БОБОРАЖАБОВ**, ЎзДЖТУ талабаси.

### Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Электромагнит мослашув маркази огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик қоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

<b>БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:</b>	<p><b>Навоий шаҳри,</b> Амир Темуր кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел: 230-64-69.</p> <p><b>Наманган шаҳри,</b> Марғилон кўчаси, 8-а уй. 2-корпус, 54-хонадон, тел: 230-64-72.</p> <p><b>Самарқанд тумани,</b> Ўрташиқ кишлоғи, ТРНС, тел: 230-64-80.</p> <p><b>Термиз шаҳри,</b> 5-кичик даҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел: 230-64-79.</p> <p><b>Гулистон шаҳри,</b> Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 230-64-67.</p> <p><b>Фаргона шаҳри,</b> Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел: 230-64-74.</p> <p><b>Урганч шаҳри,</b> Нажмиддин Кубро кўчаси, 7-уй, тел: 230-64-77.</p>
<p><b>Тошкент шаҳри,</b> Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел: 230-61-13, 120-30-22.</p> <p><b>Андижон шаҳри,</b> Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел: 230-64-65.</p> <p><b>Бухоро шаҳри,</b> академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66.</p> <p><b>Жиззах шаҳри,</b> Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел: 230-64-68.</p> <p><b>Нукус шаҳри,</b> Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, тел: 230-64-75.</p> <p><b>Қарши шаҳри,</b> 2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел: 230-64-78.</p>	

**MUASSIS:**  
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TAHIR HAY'ATI:**

Abdulla Oripov	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihididdin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxonа — 233-65-45**  
**Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56**  
**E-mail: info@uzbekistonovozi.uz**

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159  
11112  
Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari  
O'ZA yakuni — 21.55  
Topshirilgan vaqti — 22.55

**Sotuvda kelishilgan narxda**

Navbatchi:  
**Ravshan SHODIYEV**  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
**Zafar BAKIROV**  
**Behzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5